

Улухият тавҳидининг айрим жиҳатлари

[Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي]

Шайх Сафар Ҳаваалий

Таржимон: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Нашрга тайёрловчи: Абу Абдуллоҳ Шоший

2013 - 1434

IslamHouse.com

جوانب من توحيد الألوهية

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ سفر الحوالي

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амаллари- мизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен: «Ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси» эканига гувоҳлик бераман. Оллоҳ таоло Пайғамбаримизга, унинг оиласи ва барча асҳобларига салавоту саломлар йўлласин!

Буюк Аршнинг соҳиби бўлган Саховатли Оллоҳ таолодан бу мавзу билан манфаатлар бериши, бизга ва сизларга савоблар ёғдиришини тилайман. Дарҳақиқат, У – эшитгувчи ва ижобат қилгувчи Зотдир.

1 – Мавзуни баён қилиш сабаблари ва унинг аҳамияти

Биз баён қилмоқчи бўлган мавзуу, «Улуҳийят тавҳидининг баъзи жиҳатлари» ҳақидаги муҳтасар даста бўлиб, унинг шу буюк асос ва Исломнинг асосий рукни – «Улуҳийят тавҳиди»га тааллуқли нарсаларга қўшимчалар ҳам келади.

Бу мавзумизда баъзиларимиз учун бирон янгилик йўқ. Биз шояд унга чорлар эканмиз, янги бирон нарсани айтмаймиз. Фақатгина, мавзу муҳим бўлгани учун ҳам, аввало, уни эслатиб ўтиш зарурдир.

Иккинчидан эса, бу мавзунинг баъзи муаммолари ва унга тааллуқли тараф ва масъалалари бўлиб, уларни очиқлаш керак. Шу боис, у ҳақда янгитдан гап очишнинг бизга бирон зарари йўқдир. Зеро Оллоҳ таолонинг ўзи бошқа диний мавзуларни баён қилмасада, бу мавзу ҳақидаги гап, баён ва тафсилотларни кўп зикр қилган. Ҳолбуки, Макка ва Мадина босқичларида нозил бўлган Қуръон оятлари, Улухийят тавҳиди ҳақида сўз юритган.

● **Тавҳид – барча пайғамбарларнинг чақириғидир**

Оллоҳ таоло барча пайғамбарларини тавҳид таълимоти билан юборган. Мужодала ва пайғамбар соллаллоҳу алайҳим ва салламлар билан халқлари ўртасидаги кураш, тавҳид сабабли бўлган. Оллоҳ таоло буни қуидаги қавллари билан баён қилган:

**«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам),
Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга**

ҳам: «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Менгина бордирман, бас Менгагина ибодат қилинглар», деб ваҳий юборгандирмиз». (Анбиё: 25). Қисқача қилиб айтсақ, Оллоҳ таоло бу оятида тавҳид барча пайғамбарларнинг чакириги бўлганини билдириди. Бошқа бир оятда эса:

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Оллоҳга ибодат қилинглар ва шайтондан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборгандирмиз», – деди. (Наҳл: 36). Яъни, шериксиз ва ёлғиз бўлган Оллоҳ таолога ибодат қилиб, ўз ҳаддидан ошиб тангриликни иддао қилган ёки одамлар эргашган ёхуд итоат қилинадиган банда – тоғутлардан сақланиш. Бу – улуҳийят тавҳиди ва «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) деб берилган шаҳодатнинг ҳақиқатидир.

Оллоҳ таоло тавҳидни муфассал тарзда зикр қилди. Чунки Оллоҳ таоло пайғамбарларнинг охиргиси – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга Буюк Қуръонни нозил қилди. Ушбу китоб Оллоҳ таоло айтганидек:

«Алиф, Лом, Ро. (Ушбу Китоб) сизлар фақат Оллоҳагина ибодат қилишингиз учун, ҳикмат

соҳиби ва (ҳамма нарсадан) **хабардор зот — Оллоҳ томонидан оятлари бузилмайдиган мустаҳкам ва муфассал қилинган бир Китобдир.** Мен эса сизларга У зот тарафидан юборилган (кофирларни дўзах азобидан) **огоҳлантиргувчи ва** (мўминларга жаннат) **хушхабарини элтгувчидирман».** (Худ: 1, 3).

Бу оят Оллоҳ таоло бандаси ва расули – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга муфассал тарзда нозил қилган Китобнинг холосасидир. Унда улуҳийят тавҳиди ва унинг тафсилотлари зикр қилинган.

● **Мушрикларнинг улуҳийят тавҳидига муносабатлари**

Куръон бу тавҳидни илк расул бўлмиш Нуҳ алайҳиссолату вассаломнинг тилида зикр қилди. Оллоҳ таоло мазкур сурада Нуҳ алайҳиссаломнинг ўз қавмини улуҳийят тавҳидига чақирганидан хабар берди. Оллоҳ таоло униниг тилидан шундай деди:

«Албатта, мен сизлар фақат Оллоҳгагина ибодат қилишингиз учун (келган) холис огоҳлантиргув- чиман. (Агар ёлғиз Оллоҳдан ўзга бирорвга сифинсангизлар), **сизларнинг устингизга**

аламли азоб Куни (тушиши)дан қўрқаман». (Худ: 26).

Аъроф сурасиниг оятларида эса шундай деди:

«Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга бирон Илоҳ йўқдир. Албатта, мен сизларнинг буюк КУН (Қиёмат Кунининг)азобига гирифтор бўлишингиздан қўрқаман». (Аъроф: 59).

Сўнгра, Оллоҳ таоло бошқа пайғамбарлар ҳам ушбу даъватни олиб келганларини ҳам таъкидлади:

«Од қавмига ўз биродарлари Ҳудни (пайғамбар қилдик). У айтди: «Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Унинг азобидан қўрқмайсизларми?!» (Аъроф: 65);

«Самуд қавмига ўз биродарлари Солихни (пайғамбар қилдик). У айтди: «Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир». (Аъроф: 73);

«Мадян қавмиға ўз биродарлари Шуайбни (пайғамбар қилдик). У айтди: «**Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир».** (Аъроф: 85).

Ҳар бир пайғамбарнинг –уларга Оллоҳнинг салавот ва саломлари ёғилсин – чақириғи тавҳид бўлган ва қавмлари уни тушуниб, у билан танишган. Шунинг учун ҳам, Ҳуд алайҳиссаломга қавми:

«Сен бизга, ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз сифиниб ўтган бутларни тарк қилишимиз учун келдингми?» деган. (Аъроф: 70). Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири Ҳуд алайҳиссаломнинг:

«Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга бирон Илоҳ йўқдир». (Аъроф: 59), дея қилган чақириғини жуда яхши тушунишган эди. Шу боис бўлса керак: «Сен Оллоҳнинг ўзигагина ибодат қилишимиз, яъни, ибодатда Оллоҳни яктолашимиз ва аждодларимиз қилган ибодат (ширк)дан воз кечишимиз учун келдингми?!» – дейишди. Улар Оллоҳ таолога ибодат қилишар ва унга бутлари ва тангриларини шерик қилишар эди. Улар улуҳийят тавҳидини ўрганишгач,

унинг нима эканига ақллари етди ва уни қабул қилишмади.

Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қавми ҳам, Оллоҳ таоло айтганидек, буни қабул қилмадилар:

«(Шунча) худоларни битта худо қилиб олибдими?! Ҳақиқатан бу жуда қызық нарса!» деган. (Сод: 5). Яъни, бу қандай бўлиши мумкин?! Улар бу гаплари билан улухийят тавҳидининг амалга ошишини рад этдилар. Оллоҳ таоло:

«Чунки улар ўзларича: «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар ёлғиз Оллоҳгина бордир», дейилган вақтда кибр-ҳаво қилган эдилар. Ва улар «Ҳали бизлар бир мажнун шоирни деб худоларимизни тарқ қиласр эканмизми?» дер эдилар», деди. (Софрат: 35, 36). Оллоҳни ибодатда яктолаш ҳамда «Ла илаха иллаллоҳ» (Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) деб гувоҳлик беришга чақиришдан мутакбираона воз кечган ҳар бир халқнинг ҳоли шудир.

● Мушрикларнинг рубубийят тавҳидига муносабати

Рубубийят тавҳидининг баъзи тарафларига таалуқли ва Оллоҳ таолонинг ишларига мансуб нарсаларга мушрикларнинг кўпи икрор бўлишсада, айримларигина буни қабул қилмас эди. Тавҳиднинг бу турини, китоблари – калом фанида «эътиқод» ва «тавҳид» дея изоҳлаган файласуфларнинг пайғамбарлар юборилган, китоблар нозил қилинган ва бандалар яратилган ғоя қилиб олишлари, очиқ залолат бўлиб, унинг залолат эканида ҳеч қандай шубҳа йўқдир. Чунки, Оллоҳ Қуръон Каримнинг талайгина жойида мушрикларнинг Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ризқ бергувчи, яратгувчи ва бошқарувчи эканига икрор эканликларидан хабар берган. Оллоҳ таоло айтди:

«(Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам) айтинг: «Ким сизларга осмон ва заминдан ризқ берур ёки ким қулоқ-кўзларингизга эгалик қилур?! Ким ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур ҳамда ким барча ишларни тадбир қилиб туур?!!» Улар албатта: «Оллоҳ», дейдилар». (Юнус: 31).

Улар рубубийят тавҳидига иқорор бўлишган экан, нега коғир ва мушрик бўлдилар? Чунки, улар Оллоҳ таолодан бошқасига ибодат қилишар эди. Шунинг учун ҳам Оллоҳ таоло:

«Бас, мана шу Оллоҳ — ҳақиқий Павардигорингиздир. Ҳақиқатдан кейин эса фақатгина йўлдан озиш бор, холос (яъни, ҳақиқий Парвардигорингиз бўлмиш Оллоҳдан ўзгага сифинар экансиз, албатта йўлдан озган бўлурсиз). **Бас, қай тарафга бурилиб кетмоқдасизлар?!»** деди. (Юнус: 32). Яъни, агар булар Оллоҳ таолонинг ишлари бўлса ва сизлар, Оллоҳ таоло:

«Қасамки, агар улардан «Осмонлар ва ерни ким яратган?» деб сўрасангиз албатта «Оллоҳ» дерлар». (Лукмон: 25) ва:

«(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қасамки, агар сиз улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?» деб сўрасангиз, албатта: «Уларни қудратли ва доно (Оллоҳ) яратган», дерлар. (Аммо ўzlари ҳеч нарса яратса олмайдиган бут ва санамларни У зотга шерик қилиб, уларга сифинурлар)». (Зухруф: 9), деганидек (Оллоҳнинг Яратувчи, Азиз ва Билгувчи эканига иқорор экансиз)

нега Оллоҳдан бошқасига ибодат ва дуо қиласыз?! Нега қурбонликларингиз, намоз- ларингиз ва чақириқларингиз билан Оллоҳ таолодан бошқасига йўналмоқдасиз?!

Демак, Оллоҳнинг элчилари соллаллоҳу алайҳим ва салламлар билан қавмлари ўртасидаги муаммо очиқдир. У – улуҳийят тавҳиди, унга чақириш ва уни эслатишнинг заруратидир. Унинг аҳамиятини Оллоҳнинг Китобидаги буюк оятларнинг озгинасигина ифода этмоқда.

2 – Ширқ

Юқоридагиларни айтар эканмиз, ширқ, ширкнинг хатари ва мушрикларнинг айрим шубҳаларига дуч келамиз.

● Ширқдан огоҳлантириш

Ширқдан огоҳлантиришнинг қаттиқлиги Оллоҳ таолонинг ушбу оятида очик кўринади:

«Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсанг,

албатта қилған амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён қўргувчилардан бўлиб колурсан!» (Зумар: 65).

Бу оят бандалар ичида Оллоҳ таолога қулликни тўқис бажо келтирган, Оллоҳни бошқалардан кўра яхшироқ таниган ва мисли кўрилмаган тақводор Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга қаратилган. Бу гаплар унинг ўзигагина эмас, балки, Ундан аввал яшаб ўтган пайғамбар соллаллоҳу алайҳим ва салламларнинг ҳар бирига ҳам айтилган. Оллоҳ таоло Анъом сурасида ўша пайғамбарларнинг барчасини муваҳҳидлик билан зикр қилгач, шундай деган:

«Агар улар мушрик бўлганларида қилған амаллари беҳуда кетган бўлур эди». (Анъом: 88). Оллоҳ таоло ширк разолатига тушиш эҳтимолдан йироқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга, бизларга ибрат ва ўrnak бўлиши учун, шундай хитоб қилган.

Биз эса ширкка тушиш, улуҳийят тавҳидига боғланиш, иймон келтириш, эътиқод қилиш ва чорлашга огоҳлантиришга ўта лойикмиз. Чунки шариатга биноан Оллоҳ таолонинг ўзигагина шериксиз ибодат қилинади, Ундан бошқасига кўп ва

турфа ибодат ва дуолар қилинмайди. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Дуо – ибодатдир!*», Оллоҳ таоло:

«Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар. Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман», деди. Албатта Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларда жаҳаннамга киурурлар». (Ғоғир: 60) деганларидек, ибодатлар- нинг барчасини дуо ўзида жамлагандир. Оллоҳ таоло дуони ибодат қилиб қўйди ва аслида ҳам шундайдир.

Бу – тавҳиднинг уч тури ичида энг аҳамиятлиси бўлгани боис, Оллоҳнинг Қуръонида қарор қилинган буюк асосдир.

Демак, шу тарафдан ширк амалини қилганлар қандай қилганлари, мушриклар нега ширк амалини қилганлари, нега улухийят тавҳидини бузганликлари, нега Оллоҳ таолонинг бу шубҳаларига раддия берганини ҳамда Оллоҳ таолога ширк келтиришга изн берган сохта хужжат нималигини билишимиз керак.

● Ширкнинг сабаби

Оллоҳ таоло бу хужжатни баён қилди.
Мушриклар:

**«Биз (ўша «худо»ларимизга) фақат улар бизни
Оллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат
қилурмиз».** (Зумар: 3).

**«Ана шу нарсалар Оллоҳ ҳузурида бизларнинг
оқловчиларимиз»,** дедилар. (Юнус: 18).

Демак, Ер юзидаги биринчи ширкнинг илдизи шу сабаб ва шу асосга тақалади. Нух алайҳиссолату вассаломнинг қавми Вуд, Сувоъ, Яғус, Яуқ ва Насрга сифиндилар. Улар солиҳ ва обид кишилар бўлган бўлсаларда, қавмлари Оллоҳни қўйиб уларга ибодат қилишди. Ундан кейин ширк ривожланиб фаришталарга, айрим пайғамбар- ларга сифинилди. Буларнинг барчасининг асоси ва илдизи эса, қавм мазкур зотлар ҳақида «бизларни Оллоҳга яқинлаштиради» деган эътиқод қилишар ва: «Улар Оллоҳнинг ҳузуридаги бизнинг шафоатчи—ҳомийларимиз», – дер эдилар. Яъни, улар ўша авлиёларга ибодат қилишса, улар ибодат қилганларни Оллоҳга яқинлаштирас эмиш.

Бундай ширкка мубтало бўлган одам айтган гапнинг маъноси шундай: «Биз Оллоҳ таолога бевосита ибодат қила олмаймиз. Мен кучсиз, гуноҳкор ва хатокор эканман, қандай қилиб Оллоҳга бевосита дуо қила оламан?! Ундан қила олмайман! Бироқ, Ҳасан ёки Ҳусайн ёхуд Алий ва бошқа авлиёларни ва ҳатто Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни восита қилиш билангина Оллоҳга дуо қила оламан!». Улар учун Оллоҳдан бошқа сифинаётган одамлари авлиё ёки Абдулқодир Жийлоний, Аҳмад Рифоъий, Бадавий ва бошқа солиҳ одамлардан бўлишининг аҳамияти йўқдир.

● Ширк шубҳаси

Ислом оламининг турли бурчакларида Оллоҳдан бошқа зотларга дуо қилаётган одамларнинг сони анчагина кўп. Ундан одамларнинг баъзилари: Мен уларни Оллоҳга етиш учун восита қилмоқчиман!, деса бошқалари: Оллоҳ таоло:

«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва Унга яқин бўлиш йўлини излангиз», деган. (Моида: 35). Мен Оллоҳ таолога бевосита дуо қила олмайман. Қолаверса, Оллоҳ таоло ҳам мени воситани олишга буюрган. Бу зот мен билан Оллоҳ ўртасидаги

воситадир. Мен бу солиҳ инсонларни Оллоҳга восита қиласман, холос, – дейди.

Бу – уларнинг шубҳаларидир.

Оллоҳ таоло эса уларга мудҳиш раддиясини берди:

«Улар (илоҳ деб) илтижо қиласдан ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар. У зотнинг раҳмат-марҳаматидан умидвор бўлурлар, азобидан қўрқурлар. Парвардигорингизнинг азоби қўрқинчлидир». (Исро: 57). Сиғинилаётган мазкур пайғамбарлар, фаришталар ва солиҳ кимсаларнинг ўзлари Роббилирига бошқалардан кўра яқинроқ бўлиш учун восита қидирадилар. Шундай экан, уларнинг ўзлари восита бўла олмайди. Чунки, улар Оллоҳга восита қидиришмоқда!

Хўш, восита нима? Пайғамбарлар, фаришталар ва солиҳ бандалар Оллоҳга яқин бўлиш учун нимани восита қилишган эди? Улар солиҳ амал (иймон, тақво, ишонч, ихлос, сабр, Оллоҳнинг йўлидаги устиворлик)ни восита қилишган эди. Улар Оллоҳ таолога ибодат қилиб, Унга яқин бўлишган ва

Роббилирига бошқалардан кўра яқинроқ бўлиш учун восита қидиришган, Оллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлишган, азобидан қўрқишган эди. Чунки улар ўзларига нима бўлишини билишмас, бирон зарар ва фойда келтира олишмас, жаннат ва жаҳаннамга эга эмас эдилар. Шундай экан, уларни қандай тангри қилиб олиш мумкин?! Наҳотки, ўзларига бирон фойда келтира олмас эканлар, уларга Оллоҳни қўйиб дуо қилинса, восита ва ҳомий–шафоатчи қилиб олинса?! Ахир уларнинг ўзлари Оллоҳдан раҳмат сўраб, азобидан қўрқишиади-ку?! Оллоҳ таоло айтди:

«Парвардигорингизнинг азоби қўрқинчлидир».

(Исро: 57). Яъни, Роббингизнинг азобидан қўрқиб, ҳамма қочади.

Агар Оллоҳни қўйиб дуо қилинаётган маҳлуқларнинг ҳоли шу бўлса, бошқаларнинг уларга дуо қилишлари қандай жоиз бўлиши мумкин?! Оллоҳ таоло мазкур ояти билан солиҳ инсонларга ёпишиб олган мушрикларнинг қилмишлари, воситалари ва шубҳаларини йўқ қилиб ташлади.

● Тавассул – восита қилиш ва унинг ҳақиқати

Оллоҳ таоло мўмин бандаларининг тавассулларининг ҳақиқатини очиқлади. Оллоҳ таолога бўлган қуллик даражаларининг энг юқорисига эришган ва энг буюк банда бўлган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдир. Агар бошқаларни восита қилиш мумкин бўлса эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқаларни восита қилишга ҳаммадан кўра лойикроқ эди. Лекин, Оллоҳ таоло нима деди? Мўминлардан қандай хабар берди? Оллоҳ таоло мўминларнинг:

«Парвардигоро, албатта биз: «Парвардигорингизга иймон келтирингиз!» — деб иймонга чорлаган жарчи (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам алайхис-саломнинг нидоларини) **эшиитдигу иймон келтирдик»,** деганларидан хабар берди. (Оли Имрон: 193). Нидо қилган ким? Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам! Мўминлар:

«Парвардигоро, албатта биз: «Парвардигорингизга иймон келтирингиз!» — деб иймонга чорлаган жарчи (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва

саллам алайҳис-саломнинг нидоларини) эшитдигу иймон келтиридик. Парвардигоро, бизнинг гуноҳларимизни мағфират қил, қилган ёмонликларимизни (саҳифайи аъмолимиздан) ўчиргил ва бизларни яхшилар билан бирга ўлдир!» дедилар. (Оли Имрон: 193).

Хўш, нега Оллоҳ таолога Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни восита қиласизу, Оллоҳ таолонинг қавлига кўра энг буюк восита бўлган ушбу иймонни восита қилмаймиз:

«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва Унга яқин бўлиш йўлини излангиз ...!» (Моида: 95)?! Яъни, Оллоҳ таолога солиҳ амаллар ва машру итоатлар билан яқин бўлингиз?! Салаф солиҳ бу оятни шундай тафсир қилмадими?!

Демак, биз бу ҳақиқатни ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга энг қаттиқ эргашганлар бандаларнинг пайғамбарлардан кейин Оллоҳга энг яқин бўлганлари – саҳоба разияллоҳу анҳумлардир. Хўш, улар қандай воситани ушлашган эди? Улар Оллоҳ таолога ибодат қилишар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ва Унга бўйинсуниб, эргашишни тақозо этадиган

муҳаббатига тиришиб, солиҳ амалларни восита қилишар эди. Зеро Оллоҳ таоло шундай деган эди:

«Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «**Агар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Оллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қиласиди. Оллоҳ** (гуноҳларни) **мағфират қилгувчи, меҳрибондир**».

(Оли Имрон: 31).

Восита—тавассулнинг ҳақиқатини билмоқчи бўлган одам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эрашиб издош бўлиши керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашган, иймон келтирган, берган хабарларини тасдиқлаган, Оллоҳ таолога машру нарсалар билангина ибодат қилган бандагина Оллоҳ таолога тўғри воситани ушлаган бўлади.

● Восита қилиш—тавассулнинг турлари

Тавассул бир неча турда бўлади:

а) ширкий тавассул. У, юқорида айтиб ўтганимиздек, Оллоҳ таолодан бошқасига дуо қилишдир.

б) бидъат тавассул. Шахсларни восита қилиш каби.

Оллоҳ таолога Оллоҳнинг исмлари, сифатлари ҳамда ғорга киргандарида ғор оғзини ҳарсанг тош ёпган пайтда ичкарида қолган уч киши ҳакидаги ҳадисда келганидек, солиҳ амалларни восита қилинади. Улар Оллоҳ толога Оллоҳ учун қилишган солиҳ амалларини восита қилиб, дуо қилишган эди.

Демак, иш равшан, алҳамдулилаҳ. Буни қалбини Оллоҳ таоло тўсиб қўйган инкорчи, шия, тасаввуф даъватчилари ва уларга ўхшаганларгина тушунмасликлари мумкин. Чунки улар адашдилар ва одамларни ҳам адаштиридилар ҳамда уларни Оллоҳни, тавҳидни танимаган ва асрлар давомида пайғамбар келмаган, фақатгина, одат, анъана, залолат ва ширкларнигина мерос қилиб олган ҳиндус, хитой ва уларга менгзаган ва Оллоҳ таоло қалбларини хидоятламай, кўнгилларини Ислом динига очмаган куфр ва ширк аҳлига ўхшатиб қўйдилар! Улар ҳам адашдилар, ҳам адаштиридилар.

Иншаоллоҳ, иш ҳаммага маълум бўлган бўлса керак.

3 – Сехр ва фолбинлик

Тавҳиднинг бошқа бир буюк томони ҳақида бугунги кунда ҳар куни гапиришимиз керак. У – фолбин, сехргар ва азойимхонларга боришдир. Бу бало чор атрофга ёйилди. Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ! Ҳатто хонадонлар бу билан тўлиб-тошиб уламо ва даъватчиларга сим қоқилмоқда, мактублар келмоқда ва бошларга келган мусибатлардан шикоят қилинмоқда.

• Гайбни билиш Оллоҳнинг ўзининггина ишидир

Жодугарлик ва фолбинлик нақадар оз бўлмасин, атрофга катта «иштаҳалар» билан ёйила бошлади. Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ! Хўш, буларга нисбатан бизнинг муносабатимиз қандай бўлиши керак? Фолбин ва сехргарлар айтиётган ва чақираётган нарсанинг ҳақиқати нима? Оллоҳдан бошқа бирон зот ғайбни била оладими?.. Субҳоналлоҳ! Одамлар уларнинг олдига бориб йўқолган нарсалари ёки мақсадлари ёхуд қилмоқчи

бўлган ишлари ёда қурмоқчи бўлишаётган турмушларининг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бўлиши ҳакида сўрамоқдалар! Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!

Улар ғайбни билишадими?! Ахир Оллоҳ таоло:

«Ғайб очқичлари Унинг ҳузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур». (Анъом: 59) демаганми?! Замон ва қилинган ишни тақдим этиш, хосликни тақозо этади. Шунинг учун ҳам:

«Сенгагина иббодат қиласиз!» деймиз. (Фотиха: 5). Яъни, Сенинг ёлғиз ўзингга иббодат қилиб, Сендан бошқасига сифинмаймиз! Оллоҳ таоло айтди:

«Ғайб очқичлари Унинг ҳузуридадир...». (Анъом: 59). Яъни, ғайб оламининг очқичлари Оллоҳдан бошқа бирон кимсада йўқ. Мутлақ ғайб оламини Оллоҳ таолонинг ўзигина билади. Оллоҳ таоло айтди:

«Айтинг: «Осмонлар ва ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Оллоҳгина (билур)». Улар қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмаслар». (Намл: 65).

«Мен ғайбни билмайман!» (Анъом: 50) ва:

«Агар ғайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган бўлур эдим ва менга бирон зиён етмаган бўлур эди». (Аъроф: 188) деган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғайб ишларини билмасликларини билган одам, бу ишларга қандай кўл уриши мумкин?!

Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғайб илмини билсалар эди, (хиёнаткорона) ўлдирилган ва биронтаси тирик қолмаган энг сара етмишта қори саҳобани Маъуна қудуғига юборармидилар?! Албатта, билсалар юбормас эдилар! Агар ғайб илмини билсалар эди ўзлари ва асҳобларига Уҳуд кунида келган мусибатлар келиши мумкинмиди?! Ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам маслаҳат берилганидек Мадинада қолармидилар?! Бундан ташқари, Оиша разияллоҳу анҳога қилинган Тухмат ҳодисаси ҳам бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунинг натижасини интизорлик билан кутдилар. Ўтган у кунлар номусли ва иймонли инсонлар учун ўта оғир кунлар эди. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу умматнинг энг номуслиси ва рашклиси эдилар. Оллоҳ эса Ундан кўра рашклидир!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кутдилар ва Оиша разияллоҳу анҳонинг покдомонлиги Роббул оламийн тарафидан нозил бўлди. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғайбни билсалар эди, одамларга ҳақиқатни (оятлар нозил бўлишидан илгари) айтиб берган ва тухмат барҳам топар эди... Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сийратидаги барча ҳодисалар худди шундайдир...

Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғайбни билмайдилар! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғайбни билмаган эканлар, Абу Бакр, Умар ва улардан бошқа саҳоба разияллоҳу анҳумлар ҳам ғайбни билмайдилар! Шундай экан, бугунги кундаги алдамчи дажжоллар ғайбни қаердан билишади?! Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!

● Сехргар ва фолбинлар олдига боришининг ҳукми

Уларнинг олдига бориш, айрим одамлар ўйлаганидек, хатарсиз эмас. Чунки буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Арроф ёки фолбин ҳузурига борган кишининг қирқ кунлик ёки кечалик намози қабул қилинмайди*». (Ином Аҳмад (16755),

Абдурраззоқ «Мусоннаф» (20349)) ва бошқа бир ҳадисда эса: «*Арроф ёки фолбин ҳузурига борган ва унинг гапларини тасдиқлаган одам, Мұхаммад соллаллоху алаіхү ва салламга нозил қилингандарсага коғири бўлибди*», – дея баён қилганлар. (Байҳақий, 16938).

Бу икки ишда ҳеч зиддият йўқдир. Чунки айтаётган нарсаларини тасдиқламасада интервью олиш ёки ҳоли ва ишларидан хабар олиш учун бирор аррофга ёки фолбинга ёки финжонга қараб фол очувчига ёхуд хаттот (ёзув билан фол очган)га ёда мунажжимга ёки шуларга ўхшаш одам олдига борса, Оллоҳ сақласин, унинг қирқ кунлик намози қабул бўлмайди!!

Диққат этинг, биз Оллоҳнинг ҳузурида тавҳиддан сўнгра нажотни истаган, ҳар куни дарё мисоли тўла сувларида аъзоларимиз қилган гуноҳларни ювиб ташлаётган ибодатимиз беҳуда кетади, қабул қилинмайди! Балки бу одам фолбиннинг олдига шунчаки: Бир бориб кўрайчи, одамлар нега унинг олдига боришаяпти экан! – дея борган. Мақсади шу холос. Бироқ, фолбиннинг олдига бориб у айтаётган нарсаларни тасдиқласа, масалан: “Сен фалончига уйланасан ва ундан фарзандлар кўрасан!” ёки “Фалон мансабга кўтариласан!” ёхуд “Фалон нарсанг

йўқолганида уни фалончи олган!” ёда “Сен касал бўлганингда касалланишингга фалончи сабаб бўлган!” ёки шу каби ишларни тасдиқласангиз, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган нарсага кофир бўласиз!

Демак, иш ўта хатарлидир. У нега кофир бўлади? Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган Қуръонда:

«Ғайб очқичлари Унинг ҳузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур», дейилган. (Анъом: 59). Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғайб илмини билишини гумон қилган одам бу ва бунга ўхшаш оятлар сабабли кофир бўлади.

• Сехр ва фолбинликнинг таъсирлари ва заарлари

Мазкур сехргар ва фолбинларнинг ғайбни билишларига ишонган одам катта фитнага тушади. У одамларни хусусан ақли заифлашган кексалар, болалар ва хотин-қизларни ва уларга ўхшаганларни динларида фитналантиради. Бу, мазкур ширкнинг бошқа бир кўринишидир. У – мураккаб ширкдир. Чунки, айрим одамлар мазкур фолбин ва сехргарнинг

фалончи одамларнинг бошига келган ёки келадиган нарсалар, фалончи одамнинг ким экани ва унинг бошига келган нарсаларни айтиб берибди, демак, у, ҳозир мени ҳам кўриб қолиши мумкин, деган фикрларга бориб, улардан кўркмокда. Оллоҳдан бошқа зотлардан кўрқишнинг хукми ҳаммага маълум.

Бу ерда қасд қилинган кўрқув, табиий бўлмаган кўркувдир. Табиий кўрқув эса, бирон ваҳший ҳайвон ёки ҳодиса ёки қудуқдан қўрқиш кабидир. Юқоридаги кўрқув эса, ғайбдан қўрқишидир. Яъни фолбинни, юзлаб ёки минглаб километр олисда бўлсада, Оллоҳ сақласин, устида турган парвардигордек ёки тангридек ёхуд нима деса билиб ва ёзиб турадиган котиб назоратчилари бордек кўриб: Фалончи – фолбиндир. У ҳақда гапирма, акси тақдирда, бизга юқ ташлаб, озор беради! – деб қўрқишиади. Оллоҳ номига онт ичиб айтаманки, айримлари: Фалончи улуғларимизга тил теккизма! – дейишади. Бу – Оллоҳдан бошқасига банда бўлишдир. Ахир, бундай кўрқув фақатгина Оллоҳдан бўлиши керак эмасми?!

Булар ҳам адашиб, бошқаларни ҳам адаштиридилар. Шу боис мужаддид аллома Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳ воситасида Оллоҳ

таоло тавҳид ва Умматга янгитдан ҳаёт берди. Шайхулислом Мұхаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимаҳуллоҳ катта тоғутларнинг пешволарини тушунтирар экан «Ғайб илмини иддао қилган» кимсани фақатгина коғир эмас, аксинча, коғирдан ҳам баттар ва «Тоғут» эканини айтиб ўтди. Тоғут – куфрнинг хамиртуруши ва омилидир. Шу боис бўлса керак тоғут, тоғутни тасдиқлаш ва тоғут билан одамлар оммаси куфр (ботқоғи)га тушмоқда. Бу, ҳар бир замондаги воқеъий ҳаётдир. Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!

● Сехр қилишни ўрганиш ва ўргатишнинг ҳукми

Сехр қилишни ўрганиш ва ўргатишнинг ҳукми хақида Оллоҳ таоло шундай деди:

«Ва Сулаймон давридаги шайтонлар (жинлар) айтган нарсаларга эргашадилар. Сулаймон коғир эмас эди, балки одамларга сехр ўргатадиган шайтонлар коғир эдилар». (Бакара: 102);

«балки одамларга сехр ўргатадиган шайтонлар коғир эдилар». (Бакара: 102).

Демак, сехрни ўрганиш ва ўргатиш куфрдир. Оллоҳ таоло айтди:

«Ва Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаришталарга туширилган нарсаларга эргашадилар.— Ҳолбуки, у фаришталар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни алдаб имтихон қилиш учун юборилганмиз), бас, (биз айтган нарсаларни қилиб) кофир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар». (Бакара: 102).

Оллоҳу акбар! Оллоҳ таоло ушбу ифлос илмни ўрганган одамнинг зарарига хужжатни келтириб, унинг Оллоҳ таоло синов учун юборган икки фариштанинг: Биз – фитнамиз, кофир бўлма!, дея айтган ва: Агар сенга бу илмни ўргатсак ва уни қилмоқчи бўлсанг кофир бўласан, кофир бўлиб қолма!, демоқчи бўлган фитнаси қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам, буни ўрганган одам сехрни ўрганган бўлади. Унинг зарарига эса ўрганиш куфр бўлгани боис, хужжат барпо қилинган. Бундай ишлардан Оллоҳга сифинамиз!

(Айтинглар-чи), ушбу ифлос иш ва уни ўрганишдан мүминни қайтарадиган бундан кўра қаттиқроқ дашном бўлиши мумкинми?! Оллоҳ таоло:

«Ахир (Оллоҳнинг китоби ўрнига сехрни) алмашган кимсаларга Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку!» (Бакара: 102).

Гуноҳкорларга, ҳар биримиз гуноҳкормиз, охиратда бир яхшилик умиди бордир. Қалбida ўта кичик заррача иймони бўлган одам Оллоҳ таолонинг шафоатгўйларнинг шафоатига мусассар қилиши сабабли жаҳаннамдан чиқади. Бундай гуноҳкорларга қандай гуноҳ қилишларидан қатъий назар, яхшилик умиди бор. Бироқ, мушрик ва кофиirlарга Охиратда на яхшилик умиди бор ва на насибаси бор. Уларга Охиратда жаҳаннамдан бошқа нарса йўқдир! Улар қайси кофиirlар?! Оллоҳнинг динидан қайтиб муртад бўлган ва очиқ ширкни қилган кофиirlар! Оллоҳ бундай ҳолатдан асрасин!

Демак, бу илм – сехрни ўрганган, ўргатган ва сехргарларни тасдиқлаган кимса, мазкур қаттиқ огоҳлантириш ичига кирган ва дунёю охиратда зиён кўрган одамдир. Унинг бундай жазодан қутилиши учун Оллоҳ таолога тавба қилиб, шундай куфри

азиймда турган пайтида ажали ва ўлими келишдан илгари истиғфор айтиши, қилаётган иши (сехри ва жодуси)дан воз кечиши, шарт! Оллоҳ таоло бизни ва сизларни бундай ишлардан асрасин!

● Насиҳат ва тавсиялар

Биринчидан, биз ўз фарзандларимиз, рафиқаларимиз, оталаримиз ва оналаримизни замонамизда илдиз отган ушбу катта иллатдан ҳимоя қилишимиз керак. Чунки, талайгина намозхон, рўзадор, ҳожи, закотларини берадиган ва кўп яхшиликлари бўлган одамларнинг ўз хонадонларига мансуб баъзи кишиларнинг фолбин ёки сеҳгарлар олдига боришаётгани, ширк ботқоғига тушаётгани, уйлари гуноҳу маъсиятларга тулиб-тошганидан хабарлари йўқ. Агар ширк тузоғига тушган бўлсалар, уларга қилган мазкур ибодатлари фойда бермайди. Оллоҳ таоло айтди:

«Албатта кимда-ким Оллоҳга ширк келтирса, Оллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилгувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас». (Моида: 72). Яъни, ширк – амалларни бекор, жаннатга киришдан маҳрум қилиб, мушрикни жаҳаннамда мангуда қолдиради. Бу ўта оғир

ҳолат бўлиб, уни доим эслатиб туришимиз, эслатишда чарчамаслигимиз керак.

Иккинчидан, биз бундай иллатларга қарши давлатнинг масъул муассасалари ёки Соғлик вазирлиги ёхуд уларни тўхтатиб, Оллоҳнинг жазоларини ижро қиласиган тарафларга етказиш билан курашишимиз ҳамда ўзимиз уларни огоҳлантиришимиз ва имкони бўлса дашном беришимиз керак. Чунки, улар қилаётган ишлар куфрнинг бир бўлаги ва Ер юзидағи куфрнинг омилларидандир. Оллоҳ ўзи сақласин!

Бу куфрнинг Макка ва Мадина каби муқаддас шаҳарларни ўз ичига олган ушбу мамлакатда катта ва ёмон гуноҳ эканида ҳеч шубҳа йўқ. Оллоҳ таолодан бу ва мусулмонларнинг бошқа ўлкаларини ўз паноҳида асрашини сўраймиз!

● Сехргарлар ва уларнинг ўз ёлғонларини ривожлантиришдаги йўллари

Мазкур сехргар ва фолбинларнинг кўп одамларга таниш бўлган, бироқ, омма ва ёлғонлари таъсир қиласиган ва иймонли одамлар билишмаган шубҳа ва услублари бор.

Уларнинг шубҳаларидан бири, бераётган баъзи хабарларининг тўғрилигидир. Аммо бу, улар бераётган ёлғонлар олдида арзимаган даражада оздир. Шундай бўлсада, бу, айрим одамларнинг фолбиниларни тасдиқлашларига сабаб бўлмоқда. Баъзи одамлар: У – йўқолган фалон нарсанинг фалон жойда эканини, бошимга келган ишларни айтиб берди ва айтганлари тўғри эди! – дейишади. Биз уларга шундай деймиз: Бу – ботил шайтоний шубҳадир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга бундай фитнанинг содир бўлиши ҳақида хабар берганлар ва: «*Баъзида бир гапни ўгринча тинглаган(жин)га само тошлари тегишиидан илгари айтилади*», – дедилар. (Имом Бухорий, 4800). Само тошларини Оллоҳ таоло, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган нарсалар ҳаққи рост эканини билишлари учун, шайтонларни тошбўрон қилиш учун юборади:

«(Куръонни осмондан) жинлар олиб тушганлари йўқ. Улар учун бунинг имкони йўқ ва улар бунга қодир шахслар эмаслар. Чунки улар (ваҳийни ўғринча) эшитиб олишдан четлатилганлари аниқдир». (Шуаро: 210-212).

Шунинг учун ҳам, жинлар осмоннинг

«(ўғри жинларга отилгувчи учар) юлдузлар билан тўла». (Жин: 8) эканини кўришгач, иймон келтиришади. Бу эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юборилишларидан дарак эди. Шунинг учун ҳам, (самода эшитган) гапни айтишидан илгари жин ёки шайтонга само тоши тегади. Гоҳида эса эшитган гапини (фолбин ёки сеҳргарга) айтишга улгурганидан кейингина тегади ёки тегмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*(Фолбин ёки сеҳргар) ўша битта гап билан юзта ёлғонни гапиради*», – дедилар. (Ином Бухорий, 4701). Унинг оғзидан чиқаётган ва шайтон фаришталардан эшитган ўша битта гап аниқ. Чunksи, Оллоҳ таолода осмонда бирон нарсага ҳукм қилса уни Жибриил алайҳиссаломга айтади. У ҳам ўз навбатида ўзидан кейинги фаришталарга, у фаришталар эса фаришталар оммасига Оллоҳ қилган ҳукмни айтганида ифлос Шайтон билдиримай эшитиб олади ва пастга туша бошлайди. Унинг орқасидан само тошлари ҳам кела бошлайди. Баъзида, Шайтон само тошлари тегишидан илгари хабарни дўсти бўлган фолбинга етказишга улгуради.

Масалан, «Фалон одам фалон қуни ўлади», дейилади. Сўнгра нима бўлади?

Ёлғон гапиришни одат қилиб олган мазкур фолбин, фаришталарнинг бу гапини олиб юзта ёлғонни тахлайди. Бу – Оллоҳ таоло юборган фитнадир. Чунки фолбин тавба қилгач, одамлар унга: Сен ўша кунни хотирлайсанми? – деб савол берилса, ўша кунларда ёмон амалларни қилганини билади. Оллоҳ таоло ҳидоят насиб этган ва Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ «Фатаава»да зикр қилган шундай фолбинлар борки, бу ёлғонларни айтганига икror бўлган.

Ҳозирги кунимизда ҳам собиқ фолбинлардан бири: «Оллоҳ номига онт ичиб айтаманки, менга бирон кимсанинг гап айтганини билмайман. Бироқ, гоҳида бировнинг рўй берадиган гапни айтганини кўрганман», – дейди. Битта ҳақ гапнинг ёнига ёлғон кўшаверади, қўшаверади ва айтган гаплари ичидан ўша ҳақиқатгина амалга ошади, юзта ёлғони эса пучга чиқади.

Фолбинлар, шайтонларнинг дўстлариidir. Бу эса уларнинг: Биз ғайб ишларини биламиз!, деган иддаоларидағи шубҳалариidir. Оллоҳ таолодан бизга офиият бериб, уларнинг шарридан асрарини тилаймиз.

● Сехгарларнинг шубҳалари ва уларга раддия бериш

Сехгарларнинг шубҳалари эса, уларнинг (Ислом оламида яшаётган) ҳар бири: «Биз оятларни ёзамиз ва оятлар билан дам соламиз. Бизда Қуръондан бошқа нарса йўқ!» – дейдилар.

Аввало, бу – ёлғондир. Чунки, Оллоҳнинг Китоби воситасида дам солиш билан, мазкур сехгарлар ўртасида фарқ бор. Агар бирон одам уларни текшириб, ёзган нарсаларини ўқиса, уларнинг на Қуръон ва на оятларни, балки, маъноси ноаниқ бўлган нарсаларни ҳам ёзганини ва бунинг ширк эканини билади. Мазкур сўзлар шайтон тоғутлардан мадад сўрашдир. Чунки, ёзувлар ичида тўртбурчак ва учбурчак чизиқлар ёки ҳарфлар ёхуд муайян рақамлар мавжуддир. Сехгар Ихлос сурасининг биринчи оятини ўқийди ва худди фолбинлар каби одамларга ўзининг Қуръон ва Қуръон оятларини ўқиётганини билдиromoқчи бўлади. У ёзган бошқа нарсаларга кўз югуртирилса, ширк тилсимлар ёзилгани пайқалади.

Куръонни эса кофир ҳам ўқиши, шарқшунос ҳам унинг Куръон эканига шоҳидлик бериши мумкин. Бироқ, кейин-чи?! Куръон билан бирга ёзилган маъноси ноаниқ ёзувлар нима?! Бу – хато ва гуноҳдир!

Тилсимлар ва сехр илмини сеҳргарлар ўша фитна кунлари – Бобилдаги икки фаришта замонидан бизнинг кунларимизгача бир-бирларига мерос қилиб келмоқдалар. Улар тилсимларни белгилар (иороглиф) ҳамда сурёний, оромий ва бошқа қадимий тилларда ёзишмоқда. Бу белгиларнинг барчаси тилсимларнинг ширк эканига далолат қиласи.

● Сехрдан ҳимояланиш йўллари

Шундай экан, бу иллатдан қутилишнинг йўл ва ечимлари нима?

Биринчидан, ҳар биримиз Оллоҳ таолонинг кечиргувчи Ғафур ва шафқатли Раҳийм, бизга нисбатан эмизикли фарзандига шафқатли бўлган онадан ҳам раҳмлироқ эканини, Оллоҳ таоло бизга Шайтон ва гумашталарига адоват қилиш йўлларини ўргатганини билишимиз керак. Оллоҳ таоло айтди:

«Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас, уни душман тутинглар!» (Фотир: 6). Оллоҳ таоло бобокалонимиз Одам алайҳиссалом ва бизларни Шайтондан огоҳлантирди. Чунки, У қуидаги оятини айтганида Шайтоннинг таъсирлари борлигини билишидан хабар берди:

«Чунки у ва унинг малайлари сизларни ўзингиз билмайдиган тарафдан кўриб турадилар (яъни қандай алдашганини сезмай қолишингиз мумкин)». (Аъроф: 27). Оллоҳ таоло Шайтоннинг нарсаларни чиройли қилиб кўрсатиши, макр ва васваса қилиши, Шайтоннинг ҳийлалари борлиги ва ҳийлакорликда устаси фаранг эканини билади. Шундай экан, Оллоҳ таоло ўзининг мўмин бандаларини ҳимоясиз ташлаб қўйиши мумкинми?!

Оллоҳга қасам ичиб айтаманки, йўқ! Оллоҳ таоло мўмин бандаларига раҳмли бўлиб, ўзининг дўстларини ҳимоя қиласи. Шундай экан уларни катта душманлари ва унинг Оллоҳ душмани бўлган гурухига қарши курашларида қуролсиз ташлаб қўядими?! Биз Оллоҳ таолонинг раҳматига бир қарайлик. Оллоҳ таоло башариятнинг бирон нарсага бўлган эҳтиёжи қанчалар катта бўлса, ўша нарсага эришиш йўлларини осон ва текин қилиб қўйган.

Масалан, бизнинг ҳаво ва нафас олишга эҳтиёжимиз бор. Шу боис Оллоҳ таоло ҳавони текин қилиб қўйган ва Оллоҳга ҳамдлар бўлсинки, уни ҳар жойда топиш мумкин... Агар ҳавони сотиш ёки харид қилиш шарт қилинса эди, ундан давлатманд одамларгина фойдалана олар эдилар. Бироқ, Оллоҳнинг ҳикмати (буни хоҳламади).

Шунингдек, сув ҳам ҳаётӣ заруратдир. Унга эришиш йўлларини ҳам Оллоҳ таоло осон ва текин қилган. Гарчи у ҳаводан кўра озроқ бўлсада мавжуд, арzon ва эришилиши қулайдир.

Бошқа мисолни келтирсак, у – туздир. Туз гурунч каби қиммат бўлса эди, унга эришиш анчагина қийин бўларди. Гурунчи бўлмаган таомни истеъмол қилишингиз мумкин, бироқ, тузсиз таомни истеъмол қилиш асло мумкин эмас! Одамзотнинг тузга эҳтиёжи катта бўлгани боис, Оллоҳ таоло унга эришиш йўлларини осон ва текин қилиб қўйди.

Ва ҳоказо ...

Биз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*У, одамзотнинг қони оққан томирларида юради!*» (Имом Бухорий, 2039) дея таърифлаган Шайтондан ҳимоя

қиладиган нарсага муҳтожмиз. Оллоҳнинг марҳамати ва раҳмати билан бу душмандан қутилишимиз, масалан, бир кишини қутқариш учун минглаб одамлар ёки бутун халқ ёхуд қабила ёда қишлоқ аҳлининг тўпланиб Қуръон ўқиши шарт эмас. Агар шундай бўлса Оллоҳнинг раҳмати жуда ҳам тор бўлар эди! Оллоҳ эса бундан жуда ҳам олийдир! Оллоҳ бизга Шайтондан ҳимояланиш йўлини машруъ қилди. У – холера ва менингит эпидемияси тарқалган кунларда шоҳ кўчаларда, ҳар жойда – мактаблар, Ҳарам ва масжид дарвозалари олдига қўйилган карантин – касаллик тарқалмаслиги учун ихота воситалари каби эмасдир. Мазкур касалликлар ўлат каби бўлсада, шайтон «ўлати»дан кўра хатарли эмасдир. Ҳолбуки, Оллоҳ таоло шайтон «ўлати»дан қутилиш йўлини осон ва давосини ҳар бир хонадонда топиладиган даражада қулай қилди. У – Қуръон ва зикрдир: ё униси ёки буниси. Кексалар ва болалар гарчи уни тўқис билмасалар ҳам, Шайтондан ҳимоя ва кўрғон бўла оладиган айрим оят ва ёдлаши қулай зикрларни, масалан, Оятулқурсий ва бошқа зикр (дуо)ларни ўрганиши мумкин. Бунга далиллар жуда ҳам кўп бўлиб, (кўпчиликка) маълумдир.

Масалан:

«Ҳамду санолар ва мулк эгаси бўлган ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир ва У – барча нарсага қодирдир!» (Имом Бухорий, 3293) жумласини, Ихлос, Фалақ ва Нос суралари,

«Исли билан Еру осмондаги бирон нарса зарар етказа олмайдиган ва эшиитгувчи ва билгувчи Зот бўлган Оллоҳ номи билан ...» (Хоким, 1895) ҳамда:

«Оллоҳнинг тўқис калималари билан яратган нарсаларининг шарридан сигинаман!» (Имом Бухорий, 7053) жумлаларини ким айта олмайди?!

Алҳамдулилаҳ, бундай дуо ва зикрларнинг сони жуда хам кўп бўлиб, уларнинг қайси бирини ёдласангиз ёки ўқисангиз яхши ишни қилган бўласиз. Бу душманнинг бизга қарши йўллари ва ҳужумлари кўп бўлсада, мазкур қуролимиз ҳам кўнглимизда бўлиши керак. Чунки, бирон аскар, масалан, бирон жангда иштирок этаётиб ухлаб қолгани боис қуролини ерга қўйган бўлса ва ўша онда душман ҳужум қилиб қолса, унинг асирига айланади. Уни асирикдан чиқариб олиш эса, осон кечмайди. Шайтон ҳам сеҳр йўли билан кирса, ҳолимиз шундай бўлади.

● Сехр нима?

Сехр – тугунларга дам солишидир. Оллоҳ таоло бу ҳақда:

«Мен тонг Парвардигоридан (менга) ... тугунларга дам **солгувчи(жодугар)ларнинг ёмонлигидан** ... паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман», – деган. (Фалақ: 4). «Тугунларга дам солганлар», – сехргарлардир. Бу иш билан кўпинча хотин-қизлар ёки жинларнинг урғочилари шуғулланишади. Аммо:

«**Мен тонг Парвардигоридан (менга) ... ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман.**

» (Фалак: 5) жумласининг маъноси эса, суқланишdir.

Агар одамзот қуролидан ғофил қолиб сехр ёки суқланиш балосига мубтало бўлса, унинг даволаниши қийинлашади. Қуролини қўлидан қўймаган, у билан домио ҳимояланган ва Оллоҳга таваккул қилган одамга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу маънода кўрсатган кўрсатмаларга амал қилгани ва эҳтиёт бўлгани боис, қаерда бўлса ҳам хатар йўқдир. Чунки, Оллоҳ уни асрайди. Агар шундан кейин бирон

нарсага мубтало бўлса, унинг Оллоҳнинг синови эканини билсин!

Масалан, бирор, Оллоҳ сизу бизни ўзи сақласин, суқланиш ёки жоду сабабли саратон ёхуд бирон ҳодиса туфайли вафот этган ёки касал бўлган бўлса, бу – Оллоҳнинг имтиҳони бўлиб, унга мубтало бўлганлар доду фарёд қилмай, сабр қилиб, Оллоҳдан қилган сабри эвазига савоб умидида бўлсин. Бундай хуфёна ишлар уни довдиратиб, иймони ва тавҳидидан айириб, фолбин, жодугар ва дажжолчалар олдига боришига ундамасин! Оллоҳ таолога бундай ишлардан сифинамиз!

● Шайтоннинг оғдирувчи йўллари

Оллоҳнинг зикри, Оллоҳга бўлган қатъий ишонч ва Оллоҳ таоло айтганидек Шайтоннинг мўминлар устида мутлақ ҳукмролиги йўқлигини билиш ҳамда Оллоҳнинг фазли ила, ширк бутунлай йўқ бўлди:

«Албатта, иймон келтирган ва ёлғиз Парвардигорларига таваккул қиласиган зотлар устида (шайтон) учун ҳеч қандай салтанат — ҳукмронлик йўқдир». (Нахл: 99).

Шайтон уларга мутлақ хукмрон эмас ва уларни қийнай олмайди. Аксинча, Шайтон ва Шайтон малайлари улардан қўрқади. Мисол учун айтсак, Умар разияллоҳу анҳу бир дарадан йўл олса, Шайтон бошқа дарадан йўл олар эди... Оллоҳу акбар! Шайтоннинг иймони кучли бўлган Умар разияллоҳу анҳу билан учрашиши мумкин эмас эди! Оллоҳ таолони эслаган ва Уни кўп зикр қилган одамда ҳам бундан насиба бор. Чунки, Оллоҳ таоло ёдга олинса Шайтон тумарақай қочади ва Оллоҳни унутса қайтиб, васваса қилади, Оллоҳ сақласин. Бироқ унинг хийлалари заифдир. Шу боис сахобалар кўнгилларида пайдо бўлган, бироқ тилга олишдан қўрқишигтан шайтон васвасаси ҳақида савол беришганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Шайтоннинг ҳийласини васвасага қайтарган Оллоҳга ҳамдлар бўлсин!*» деб жавоб берган эдилар. (Абу Довуд, 5154).

Шайтон бир одамнинг олдига уни олиб кетиш учун келмайди. Улар хаёллар, холос. Агар (банда) улардан воз кечиб Оллоҳга сиғинса, йўқолади. Шунинг учун ҳам, Шайтоннинг ҳар бир васвасасини тилга олавермаймиз.

Масалан, Шайтон сизга: Фалон ишни ёки гуноҳни қил, у ширк ва бидъат эмас! Қилганингдан кейин Оллоҳга тавба қилиб, истифор айтсанг етарли! – дейди. Буларнинг ҳар биридан тавба қилишимиз, хушёр бўлишимиз ва Шайтон, Оллоҳ таоло қуидаги оятида дарак берганидек, ашаддий душманимиз эканини унутмаслигимиз керак:

«Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас уни душман тутинглар! Шак-шубҳасиз, у, ўз фирмасини (яъни ўзига эргашган кимсаларни) дўзах эгалари бўлишлари учун даъват қилур». (Фотир: 6).

Ҳа, Шайтон биздан Қиёмат кунида воз кечади ва Оллоҳ таоло Иброҳим ва бошқа сураларда таъкидлаганидек: Мен сизларни чақирмадим ва адаштирмадим! – дейди.

Булар тавҳиднинг энг муҳим тарафларидан айримлари, холос. Тавҳиднинг шариат, итоат ва эргашиш каби жиҳатлари ҳам борки, Иншаоллоҳ, улар ҳақида бошқа ўтиришларда сухбатлашамиз.

Иншаоллоҳ, шу мавзуга тааллуқли бўлган саволлар бўлса улардан хушёр қилиш, даъват, дин ва тавҳидни ёйишга ёрдамчи бўлганларига жавоб

берамиз. Улухийятга тааллуқли бўлган масъалаларни жамиятда муҳим ва бирламчи нарсалар ўлароқ билишимиз керак. Зоро, бошқа фармону таъқиқлар ундан кейин келади.

Оллоҳ таолодан бизни ва сизларни Ўзи суйган ва рози бўлган ишларга муваффақ қилишини сўраймиз.